ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 217 (10.522) / 2005 ЙИЛ 4 НОЯБРЬ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент ассамблеяси раиси Элси Хэстингсни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф асносидаги музокаралар ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.

Элси Хэстингснинг конгрессменлик фаолияти 1992 йилда бошланган. У ЕХҲТнинг Парламент ассамблеяси раислигига жорий йилда қайта сайланган. Бу таниқли конгрессмен халқаро муаммоларни ечишда парламентлараро ҳамкорлик борасида яхши тажрибага эга.

Меҳмон Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТнинг Парламент ассамблеяси ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**



Юртимизда хорижий сармоядорларга яратилган шарт-шароитлар туфайли ҳам қўшма корхоналар сафи кенгайиб бормоқда.

**СУРАТДА: "SAFAQ-TEKSTIL" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

## ЕХҲТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси аъзоси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Парламент ассамблеяси раиси Элси Хэстингс раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Парламенти билан ЕХҲТ Парламент ассамблеяси ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Мазкур учрашув парламентлараро алоқалар ривожини янада юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев билан ҳам музокара ўтказди.

## МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

**Ўлкамизда Рамазон ҳайити давом этмоқда. Кеча пойтахтимиздаги барча жомеъ масжидларида ҳамшаҳарларимиз мамлакатимизнинг бебаҳо қадриятларига шукроналар қилиб, юртга осойишталик, тани-сиҳатликни тилаган ҳолда ҳайит ибодатини адо этишди.**

Ҳайит кунларида қариндош-уруғлар, етим-есирлар, кексалар ҳолидан хабар олиш азалий қадриятларимиздир. Бу кун дастурхонларимиз тўкин бўлишини тилаб дуолар қилинди, дориломон кунларимизга шукроналар айтилди.

Ҳайит намозидан сўнг барча мўмин-мусулмонлар хайру саховат ва меҳру оқибат айёми ҳисобланмиш муборак Рамазон ҳайити билан самимий тилаклар билдириб, бир-бирларини қутлашди. Халқимизда ҳайит ибодатидан сўнг болажонларни, яқинларини турли-туман ширинликлар билан сийлаш одати бор. Бинобарин, бу борада қулайликлар яратиш мақсадида жомеъ масжидлари олдида савдо нуқталари ташкил этилди.

Ажойиб удумларимизга мувофиқ шу куни қариялар, ногиронлар, ота-оналар йўқланиб, кўнгиллари хушнуд этилди. Жойларда хайрия тадбирлари ўтказилди. Хусусан, Сергели туман ҳокимлиги ташаббуси билан беш юз нафардан ортиқ ногиронлар, етим-есирлар, кам таъминланганлар учун байрам дастурхони тузалиб, уларга совға-саломлар улашилди. Шаҳримиздаги 12 та касб-ҳунар коллежларида кўмакка муҳтож ўқувчилар учун мурувват кўмаклари ташкил этилди. Шайхонтоҳур туманида эса Рамазон ҳайити муносабати билан «Савоб ишни ҳар ким, ҳар доим қилиши керак» хайрия ўн кунлик акцияси ўтказилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман таянч маскани томонидан уюштирилган ушбу акция давомида тушган маблағлар, буюмлар, маҳсулотлар ва кийим-кечаклар туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар болаларига, ногирон ва етим болаларга тарқатилди, уларни соғломлаштириш йўлида ишлатилди. Савобли мехр-мурувватга тўлиқ бу каби тадбирлар шаҳримизнинг барча туманларида бўлиб ўтди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Темирйўлчи» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Қиз бола одоби — оила кўрки» деб номланди.

● **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлимлари ҳамкорликларида «Оила — муқаддас Ватан» мавзуида тадбир ва концерт дастури уюштирилди.

● **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида туман маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёш келин-куёвларнинг Самарқанд шаҳрига сафари уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган болалар ҳамда нуроний кексалар ҳолидан хабар олинди, уларга совғалар туҳфа этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган ўқув семинарида олий ўқув юртлари «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчилари иштирок этишди.

● **ЎТГАН КУНИ** «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими Кенгашида «Камолот» ЁИҲ туман сардорлар Кенгашининг семинари бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида IV Халқаро симфоник мусиқа фестивали очилди. Ушбу тадбир 6 ноябргача давом этади.

● **1-ТОШКЕНТ** педагогика коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан «Оғусиз дунё — ёшларга зиё» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирок этишди.

● **«АЛП ЖАМОЛ»** тижорат банкининг Юнусобод туман бўлимида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига муборак Рамазон ҳайити — Ийд ал -Фитр муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий табриклар йўлланган мактублар келиши давом этмоқда.**

● **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган аскарларнинг дастлабки гуруҳини тантанали равишда кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

● **«Фарғона-Москва-Фарғона» йўналиши бўйича янги самолёт қатнови йўлга қўйилди. Парвоз ҳар ҳафтанинг якшанба куни 100 ўринли замонавий «Боинг — 757» самолётида амалга оширилади.**

● **Қўқон шаҳрида пиллани пишириш йўли билан тола ажратиб олишга ихтисослашган «Кок Азия» корхонаси иш бошлади. Корхонада 40 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.**

● **Нукусда МЧЖ «Полинвест» Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Янги корхона бир йилда унни қадоқлаш учун 5 миллион дона полиэтилен қопларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.**

● **Гулистон шаҳрида отчопар қурилиши бошланди. Янги иншоот учун шаҳар атрофидан 30 гектар ер майдони ажратилди. Бу ердан меҳмонхона, кафе ва спортчилар учун махсус хоналар ҳам ўрин олади.**

### Жаҳонда

● **БМТ Бош ассамблеяси 8 ноябрь куни Кубани иқтисодий, савдо ва молиявий қамал қилишни тўхтатиш тўғрисидаги резолюцияни кўриб чиқади.**

● **Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Нидерландияга ташрифи чоғида иқтисодий йўналишдаги бир нечта шартномалар имзоланди.**

● **Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг таъкидлашича, 8 октябрь куни юз берган кучли зилзила оқибатида мамлакат умумий ҳисобда 5 миллиард доллардан ортиқ иқтисодий зарар кўрган. Ҳаётдан кўз юмганлар сони эса 50 мингдан ошади.**

● **Франция пойтахти Париж шаҳри атрофида бир ҳафтадан буён асосан муҳожир ёшларнинг тартиббузарликлари давом этмоқда.**

● **Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада икки кундан буён норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Мухолифатчилар томонидан уюштирилаётган тартибсизликлар мамлакатда тинчликни издан чиқаришга қаратилган.**

*Обуна — 2006*

## ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ

### У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган "Тошкент оқшоми" газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг "Оқшом" таҳририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. "Оқшом" газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рукнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб "Оқшом" хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — **563**. Йиллик нашр баҳоси **30.780** сўм қилиб белгиланган.





*Қиш тайёргарликни ёқтиради*

# КЎЗЛАГАН МАНЗИЛИНГИЗГА БЕХАТАР ЕТКАЗИШАДИ

**Кўчаларимизнинг бугунги жамоли, равон, ойдин йўллар, мустаҳкам, жаҳон талабларига жавоб берадиган кўприкларнинг бунёд этилаётганлиги транспорт воситаларининг мунтазам ҳаракати, намунали хизмат кўрсатиши учун катта қулайликдир, албатта. Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида эса «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси жамоасининг ҳиссаси салмоқли деб ишонч билан айтиш мумкин. Ушбу компаниянинг «Қиш — тайёргарликни ёқтиради», деган нақлга амал қилган ҳолда кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги ҳамда ҳамшаҳарларимизга мавсумда қандай хизмат кўрсатиши хусусида компаниянинг модернизация, инвестиция, технологик қайта жиҳозлаш бош бошқармаси бошлиғи Вячеслав Алексеевич Ким мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Ҳадемай кузнинг ёғин-сочинли кунлари бошланиб, сахий куз ўз ўрнини кумуш қишга бўшатиб беради. Қиш эса бошқа фасллардан фарқли ўлароқ алоҳида тайёргарликни тақазо этади. Шу сабабдан барча соҳа ходимлари каби компаниямиз жамоаси ҳам қировли, аёзли, қорли кунларда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун пухта ҳозирлик кўрди.

Шаҳримизнинг исталган ерига бориш учун асосан замонавий, шинам, қулай автобуслар — «Мерседес-Бенц»лар, «Отайўл»лардан фойдаланилади, уларнинг йўловчиларнинг кўзлаган манзилларига тезлик билан бехатар элтишида компаниямиз тасаррруфидаги 10 та автосарой, 2 та маршрут таксилари, 5 та такси саройи, битта трамвай, битта троллейбус ҳамда 3-трамвай-троллейбус деполари жамоаларининг хизматлари салмоқли.

Компаниямизга қарашли барча корхоналарда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик бўйича режада белгиланган ишлар асосан бажарилди. Ҳозирги кунга қадар ҳаракат воситаларига техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилди ҳамда ҳамма ҳаракат воситалари қишга тайёрланди. Айтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда қимматбаҳо техникани асраб-авайлаш, завод-тайёрловчининг барча турдаги белгиланган ишлар ҳажмини қатъий тартибда амалга ошириш, йўловчиларга қишки мавсумда хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, сервис хизмат кўрсатишга сарфланадиган харажатларни камайтириш, шунингдек, автоуловларнинг техник носозлик билан сервис марказларига кириб келиш ҳолатларини қисқартириш компаниямизнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Германия давлатининг дунёга машҳур «Даймлер Крайслер» компаниясининг «Мерседес -Бенц-0405», «Мерседес-Бенц-0-345 Евро 3» русумли 600 тага яқин йўловчиларга жуда манзур бўлаётган автобусларига сервис хизмати кўрсатиш учун бугунги кунда .«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг саккизинчи, еттинчи ҳамда иккинчи автожамланмалари негизида сервис марказлари фаолият юритмоқда. Бугунги кунда уларда автобусларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича энг замонавий ташхис ва таъмирлаш асбоб-ускуналари мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу марказларда ихтирочилик ҳам ривожланиб бормоқда, ходимларнинг янгиликка ўчликлари, ташаббускорликлари туфайли айрим деталлар, агрегатларнинг баъзи қисмларини қайта тиклаш имкониятлари туғилмоқда, бу албатта, таҳсинга лойиқ. Шу боис анчагина маблағ тежалиб, автобусларни зарур қўшимча қисмлар билан ўз вақтида бутлашга шароит яратилмоқда.

Ҳайдовчилар — айниқса, биринчи бор қишда ишлаётганлар билан қўшимча йўриқномалар ўтказилди. Корхоналарда ишлаб чиқариш, ювиниш хоналари таъмирланди. Биринчи автокорхонада янги замонавий ёнилғи қуйиш шохобчаси ишга туширилди. Келгусида бундай қурилишлар 3, 18-автобус саройларида ҳам амалга оширилади.

Транспорт турлари орасида «Тошметрополитен» давлат унитар корхонаси вагонларининг бир маромда қатнови алоҳида ўрин тутади. Марказий Осиёда ягона метрополитенимизнинг умумий узунлиги 39 километрни ташкил этувчи 29 та гўзал, бир-бирини такрорламайдиган бекатлари ер ости қасрлари, 2 та электр депо, ҳаракатдаги таркибларни таъмирловчи, эҳтиёт қисмлар тайёрловчи депо жамоасининг 4 минг нафардан иборат жамоасининг «Чилонзор», «Ўзбекистон» ҳамда «Юнусобод» йўналишларида йил бўйи бирдай намунали хизмат кўрсатиб келаётганлиги аҳолининг ташаккурига сазовор бўлмоқда.

Айрим муаммоларга қарамай компаниямиз корхоналари томонидан кузги-қишки мавсумда Тошкент шаҳрида транспорт хизмати кўрсатиш ишларини юқори савияга кўтариш мақсадларида ҳамма керакли чоралар кўрилмоқда. Масалан, республикамизда суюқ ёнилғи — мазут танқислиги сабабли 1, 2, 3, 5, 7, 18, 2519-автобус саройларидаги қозонхоналар учун керакли миқдордаги мазут ўрнига ўчоқ ёнилғисини олиш учун шартномалар тузилди ҳамда корхоналар бу ишларни ўз муддатларида тугаллаш тадоригини кўрмоқдалар.

Пойтахт аҳолисига, унинг меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш борасида ўз ишига сидқидилдан ёндошаётган, касбига меҳр қўйган ишчи-хизматчиларга компания томонидан етарлича шарт-шароитлар яратилган. Яъни, компания тасарруфидаги корхоналарда тиббиёт пунктлари, дам олиш масканлари, бирйўла ходимларнинг уч минг нафар фарзандлари — болажонларнинг дам олишига мўлжалланган оромгоҳлар фаолият юритади.

Хуллас, ўтган йилги кузги-қишки даврда компаниямиз таркибига кирувчи корхоналар жамоаларининг аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида йўл қўйган камчилик ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда, жорий йилда ушбу хатоларни қайтармаслик мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлади деб ишонамиз. Бу йўлда барчамиз ҳормай-толмай меҳнат қилишга астойдил бел боғлаганмиз, деб ишонч билан айта оламан.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА ёзиб олди.**

**СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги автокорхоналарда қишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*"Камолот"*

# ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ЙЎЛИДА

**Бугунги кун ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортишида "Камолот" ЁИҲнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади. Қатрада қуёш акс этганидек, мазкур ташкилот сафлари кундан-кунга юрагида ўти бор, Ватан, миллат тақдири учун ёниб яшаётган ёшлар билан бойиб бораётгани қувонарли ҳолдир.**

Фикримиз исботи ўлароқ, "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ташаббуси билан Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишлаб "Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўналиши бўйлаб кетаётган тарғибот поезди" лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад, ёшларга конституциявий ҳуқуқ, бурчларини тушунтириш, маълумот бериш, сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантириш йўлида маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида таълим олаётган талаба-ёшларнинг ҳуқуқий савиясини юксалтириш сингари долзарб масалаларга қаратилган.

Ушбу лойиҳанинг татбиқ этилиши муносабати билан Тошкент Давлат юридик институтида "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда мазкур олий ўқув юртининг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.

Йиғилишда сўзга чиққан "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси ўринбосари Гулчеҳра Олимжонова, матбуот хизмати бошлиғи Отабек Эшматовлар лойиҳа етти босқичда амалга оширилишига алоҳида тўхталиб ўтишди.

Белгилаб олинганидек, босқичларда йўналиш тақвимини ишлаб чиқиш, Тошкент Давлат юридик институти талабалари орасидан лойиҳа ижрочиларини танлаб олиш, махсус дастур тузиш сингари бир қатор вазифалар мавжуд.

Тадбирнинг якунловчи қисмида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди ва матбуот маркази билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳар бир учрашувнинг ёритилиб борилишига келишиб олинди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*Иқтисодиёт*

## ЗАМОНАВИЙ КОМПРЕССОРЛАР

**Ўрта Осиёда компрессор ишлаб чиқариш бўйича ягона бўлган шаҳримиздаги "Компрессор" акциядорлик жамияти бозорни ўрганиш асосида маҳсулот турларини бир неча баробарга кўпайтиришга эришди.**

Бугунги кунда хорижий ҳамкорлари билан алоқани яхши йўлга қўйган корхона негизида "Осиё Компрессор - Фильтр" ҳамда "RFN - Компрессор - Filter" қўшма корхоналари ташкил этилган бўлиб, ҳозирда улар цехларида автомобиллар учун турли хилдаги фильтрлар тайёрланмоқда.

Айни дамда "Осиё - Компрессор - Фильтр" жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 50 турдаги фильтрлар ички бозоримизда ўз харидорларига эга. "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси унинг асосий буюртмачиларидан саналади.

Ўтган йили ташкил этилган "RFN - Компрессор - Filter" қўшма корхонаси Жанубий Кореянинг замонавий дастгоҳлари билан таъминланган бўлиб, бу ерда асосан мой ва ёнилғи билан ишлайдиган ҳамда ҳаво фильтрлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, қўшма корхонада ички ёнув двигателли автомашиналар учун мой фильтрларининг тўлиқ мажмуаси ҳам тайёрланмоқда.

Шу ўринда "Компрессор" акциядорлик жамиятида юқори самарали компрессор қурилмалари ҳамда винтли компрессорлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлаб ўтиш ўринли.

## ЯНГИ МАРГАРИН ТУРЛАРИ

**Бугунги кунда акциядорлик жамияти "Ёғмойкомбинат" тадбиркорлари бир йилда 23 минг тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишмоқда.**

Шуниси аҳамиятлики, корхона чет эл фирмалари билан доимий ҳамкорликда иш юритиб келмоқда. Ҳозирда корхонага Америкадан ёғни тозаловчи қумлар келтирилмоқда. Бу қумлар ёрдамида мутахассислар сифатли ёғ тайёрлашга эришадилар.

Заводда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар "Менинг орзуим" номи остида сотувга чиқарилмоқда. Бу ном остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, мазали таъми чет эл маҳсулотларидан асло қолишмайди.

Корхона ходимларининг келгуси режалари маргаринларни пластмасса идишларда қадоқланишини ташкил этиш бўлиб, ҳозирда маргаринларнинг намуналари синовдан ўтказилмоқда.

Шунингдек, корхонада майонезлар, кир ювиш воситалари, атир совунлар ҳамда ёғлилиги 82 фоизли маргаринлар ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

**Орзугул РУСТАМОВА**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

# ҚАРҒАШОЙИ КЎЙЛАК

## Ҳажвия

Ҳаракат қилсанг, Худо бераман, деса бераверарkan. Маҳалламизда кийим-кечак сотадиган дўкон йўқ эди. Ҳамма автобусга ўтириб, шаҳар марказига борарди. Тадбиркор эмасманми, мана шуни ҳисобга олиб, уйимиз ёнидаги кичик ҳужрачани яхшилаб таъмирлаб, яхшигина дўконга айлантирдим. Хотинимни сотувчи қилиб қўйиб, ўзим тикувчилик фабрикаларидан турли хил кийим-кечакларни дўконга келтириб турдим. Аввалига савдо чакки бўлмади, аммо кейинига сал мазаси қочди, сабаби ҳамма оладиганини олиб бўлганди-да!

Бир куни кечки овқатдан сўнг эр-хотин дўконда савдонинг юришмаётганидан ҳасратлашиб ўтирганимизда онам гапга аралашдилар:

— Ёш келин пайтимда аёлларга қарғашойи кўйлак кийиш удум эди. Чолим у пайтда йигирма беш яшар қирчиллама йигит эдилар. Эрталабки нонушта чоғида қўшни дугонам қарғашойи кўйлак кийганини, унга ҳавасим келганини чолимга айтгандим, «Бўлди, Башорат, шу бугуноқ топиб келаман, сира ўксинма!» деб, бузоқчамизни етаклаб, бозорга олиб кетдилар. Кечга яқин қоғозга ўраб, қарғашойи кўйлакни авайлаб, кўтариб келдилар. Кийиб кўрсам, худди ўзимга қуйиб қўйгандек экан.

— Ярашди, хотин! Ярашганидан яна ҳам очилиб кетдинг! — дедилар мендан кўзларини узмай. Ўша куни менга худди уйимизда байрам бўлаётгандек туюлди. Янги кўйлакни ечмай, даданг яхши кўрадиган қовурдоқни пиширишга киришиб кетдим. Ўчоқда гувиллаб ёнаётган қуруқ тол навдаининг бир бўлаги чарсиллаб отилиб, кўйлагимнинг этагига келиб тушса бўладими, зўрға олиб ташладим. Бироқ, косадек жойи тешик бўлиб қолди. Кўзларимдан тирқираб ёш оқди.

— Хафа бўлма, Башорат. Бузоқнинг ярмидан ошиқ пули турибди. Эрталаб бориб, яна биттасини олиб келаман, — деб даданг мени юпатдилар. Тонг отгач, шаҳар марказига кетдилар. Борсалар, дўконда ўша кўйлакдан қолмабди. Мани деб, чолим шўрлик Чорсу бозоридан бирни иккига бошқасини сотиб олиб, келган эдилар.

— Ўша қарғашойи кўйлагингиздан бир парчаси борми, ойи? — сўради хотиним дабдурустдан оиймдан.

— Сандиғимда бус-бутун турибди, авайлаб, олиб қўйганман. Фақат гуллари сал оқарган-да, — дедилару ўринларидан туриб, сандиқни очдилар, ундан анча уринган қарғашойи кўйлакни олиб бердилар. Хотиним кўйлакни ола солиб, эгнига кийиб, менга қаради.

— Қалай, ярашдими, дадаси?

— Жуда-жуда ярашди. Мен бундай матони бир жойда кўрганман, эртагаёқ топиб келаман.

— Унда, бирваракайига йигирма кўйлаклик олиб келинг. Бошламасига ўзим биттасини тикиб кийиб, маҳалламиз аёлларининг кўзини ўйнатаман. Кейин ҳавас қилган хотин-қизларга биттадан тикиб бераверaman, дадажониси!..

Қаранг, хотиним ҳам дўконда ишлаб, тадбиркор бўлиб кетди. Айтганидек, ўша матодан замонавий антиқа кўйлак тикиб, эгнига кийиб олди. Кўзлари ўйнаган аёллар буюртма бера бошлашди. Тузилган рўйхат бўйича тикишни бошлади. Нега десангиз, ўзи ҳам маманам деган тикувчини лол қолдирарди-да! Шундай қилиб, дўконимиз ишлари юришиб кетди...

Куни кеча онамнинг мерос сандиқларини очиб, яна қанақа чиройли материалдан кўйлаклари борлигини хотиним қидира кетди. Тағин бир кўйлакларини топди. Айтинг-айтинг, оиймнинг руҳлари шод бўлиб, яна ҳам ишимизга омад кулиб боқаверсин-да.

**Кўчқор АЛИМОВ**

# ЛАТИФАЛАР

Футбол томоша қилаётган боладан сўрашибди:

– Чипта жуда қиммат-ку, уни қандай олдинг?

– Дадам олиб бердилар.

– Даданг қаерда?

– Уйда чиптани излаяптилар.

* * *

Эр ишдан чарчаб қайтибди. Овқатланишга ўтирган чоғда хотини ва қайнонаси дийдиёни бошлабди

Қайнона:

– Кир дор учун янги арқон олиб келиш керак.

Хотини:

– Заҳар олиб келиб суваракларни қуритиш керак.

Эр индамай ўзича ўйлабди:

– Янги арқон олиб келиб қайнонамни осишим, заҳар олиб келиб хотинимни... Ёки аксинчамиди?

* * *

– Болтавой, дарсингни қачон қилмоқчисан?

– Кинодан кейин, ойи.

– Кинодан кейин кеч бўлади!

– Илм олишнинг эрта-кечи йўқ!

* * *

– Болтавой! Кеча нима учун дарсингни бормадинг?

– Ўқитувчимга совға тайёрлагандим.

– Қанақа совға?

– Ҳа, кеча унинг туғилган куни эди. Менсиз бир яйраб дарс ўтсин, деган қарорга келдимда, ойи.

Математика дарсида Болтавойга ўқитувчи савол берди.

– 4 га 7 ни қўшса неча бўлади?

– 14!

– 12 га 7ни қўшса-чи?

– 33!

– Галати ҳисоблар экансан. Отанг ким бўлиб ишлайди?

– Сотувчи!

– Онанг-чи?

– Официант!

* * *

– Кеча тарихдан нега 3 баҳо олдинг? – сўрабди бобо неварасининг кундалигини текшираётиб.–Мен сендайлигимда фақат беш олардим!

– Бобо, сизнинг вақтингизда тарих 50 йил қисқа бўлганда.





Изоҳга ҳожат йўқ.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

Адҳамжон ва Раънохон турмуш қуришганига ўн йилдан ошса-да фарзанд кўришмади. Иккисининг бормаган жойи қолмади. Охир-оқибат уларнинг хонадонида ҳам чақалоқ туғилди. Бутун оиланинг қувончи ичига сиғмасди. Адҳамжоннинг топиш-тутиши яхши эди, дарҳол қўни-қўшнини чақириб зиёфат берди. Бир кун у хизмат сафарига жўнади. Ўша кунларда хотини эшикнинг қаттиқ тақиллашидан чўчиб кетди. Чиқса остонада дўппи кийган бир йигит. «Адҳам акам қаердалар, мен у кишининг яқин укахониман», деди. Сўнг хижолатли қиёфада:

# ТЕСКАРИ ДУО

## ҲАНГОМА

— Кеннойи, Адҳам акам мендан анчагина пул қарз олганди, анча вақт ўтди, ҳамон қайтармаяпти. Агар бугун топиб беролмайдиган бўлса, у киши билан ака-укачиликниям йиғиштираман! Ахир бугун тақдирим ҳал бўлай деб турибди.

— Адҳам акангиз менга бу ҳақда айтмовди-ку, — саросималанди аёл.

— Ҳа, энди эркак киши ҳамма гапниям аёлига айтавермайди-да. Ўзлари уйда йўқ экан, ўзингиз бир амаллаб тўлай қолинг. Бугун шу пулни олмасам, бошқа вақтда фойдаси йўқ, — деди йигит кескин бир тарзда.

Хуллас, ўзаро тортишув бошланди.

— Бермасангиз берманг! Мени ранжитган одам ҳеч ўнгланмаган, шуни билиб қўйинг. Ҳозир ортимга қайтишим билан тескари дуо ўқийман, сўнг уйингиз ҳам, фарзандингиз ҳам бир пасда куйиб...

— Вой тўхтанг, жон укам, тўхтанг. Ҳозир, қараб кўрай-чи. Аёл уй ичига кириб эру хотин жамғарган пулнинг барисини кўтариб чиқди. Йигит пулни олдию тезгина хайрлашиб жўнаб қолди.

— Яхшиям унинг тескари дуосидан азиз болагинамни асраб қолдим-а, — дея ич-ичидан қувониб ўйлади аёл. — Майли пул топилар...

Шундай бўлса-да, анчагина пул қўлдан кетганига ачинди, эри келгач бор аламини унга билдирди:

— Қанақа одамсиз ўзи? Қарзингизни вақтида тўламайсизми? Ҳеч бўлмаса мени хабардор қилиб қўймабсиз-а?

Адҳамжон воқеани хотинидан суриштириб билгач, жиғибийрон бўлди: — Менинг унақа укахоним йўқ, бунақа исмли одамни танимайман ҳам. Кейин эса мен шу вақтгача бирор кишидан қарз сўрамаганман. Вой фирибгар-ей. Сени боплаб туширибди-ку.

Аёл лабини тишлаб қолди.

Ҳаммагаям ишонаверсак, оқибати шунақа бўлади-да, ўзи.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

# БИР ЧИМДИМ ТАБАССУМ

Иккита француз Испанияга саёҳатга боришди. Бахтга қарши улардан ҳеч қайсиси испан тилини билмасди. Бир куни улар ресторанга киришди ва бифштекс емоқчи бўлишди. Лекин буни официантга тушунтира олишмади. Шунда саёҳатчилардан бири қоғоз ва қалам олиб, бир буқанинг расмини чизди ва тепасига катта қилиб "2" рақамини ёзиб қўйди. Официант қоғозни олиб чиқиб кетди.

–Менинг ўйлашимча у тушунди, –деди саёҳатчи мағрурона. Бир неча минутдан кейин официант қайтиб келди. У тарелкада "буқалар жанги" учун иккита билет олиб келган эди.

* * *

Онаси инглиз тилини ўрганишни хоҳламаётган Тотога деди:

–Биласанми Тото, дунёнинг деярли ярми инглиз тилини ўрганаяпти.

–Яхши, ойи, дунёнинг ярми етарли, менинг ўрганишим шарт эмас!

* * *

Онаси Тотога деди:

–Жак билан ўйнамагин, у ёмон бола.

Тото онасига хурсанд бўлиб жавоб қайтарди:

–Жак мен билан ўйнаса майлими? Мен яхши боламан-ку!

* * *

Бир инглиз Франциядаги меҳмонхоналардан бирига кирди ва эшик устидаги ёзувни кўрди. "Бу ерда барча тилда гаплашилади". У бошлиққа инглиз, немис, итальян тилларида мурожаат қилди, лекин бошлиқ жавоб бермади, шунда саёҳатчи француз тилида деди:

–Бу ерда ким барча тилда гаплашади?

Меҳмонхона бошлиғи жимгина деди:

–Бу ерда фақат саёҳатчилар барча тилда гаплашади.

* * *

Онаси Никола ва Польдан сўради:

–Икковингдан қайси биринг рухсатсиз гилос олиб едиларинг? Мен ердан данакларни топиб олдим.

Тото қўрққанидан деди:

–Бу мен эмас, мен ҳамма данакларимни ютиб юборганман.

Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.

*Олий ўқув юртларида*

# МАЪРИФАТ — КОМИЛЛИК КАЛИТИ



**Бугунги кунда ёшларнинг турли диний оқимлар, экстремистик, террористик гуруҳларнинг таъсирига тушиб, уларнинг сафига қўшилиб, охир-оқибатда жиноятчига айланиб қолаётгани ачинарлидир. Бундай ҳолларнинг содир бўлишига кўпинча ёшларнинг диний таълимотдан бехабарликлари сабаб бўлмоқда.**

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, диний ҳамда дунёвий билимлардан бохабар бўлишлари учун мунтазам равишда олимлар, файласуфлар, дин пешволари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилиб келинади. Бундай тадбирларнинг ижобий самара бераётгани шубҳасиз.

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган «Ислом дини ва ёшлар» мавзусидаги давра суҳбати ҳам ўзгача мазмун ва моҳият касб этди. Давра суҳбатида Тошкент Ислом университетидан Аллаёр Элмуродов, Ўрол Бўстонов, Сарвар Муҳаммадиев ва Исомиддин Аҳроровлардан иборат бир гуруҳ иқтидорли талабалар Ислом дини таълимоти ривожига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ҳаёти, ижоди динимизнинг саховат, меҳр-мурувvати, одамийликка чорловчи аҳамияти хусусида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, тадбирда Ислом динининг маънавий, маърифий-ахлоқий тарбияда тутган ўрни борасида ҳам зарур маълумотлар келтирилди.

Ушбу адабий-маърифий кечада институт талабалари ҳамда «Камолот» ЁИҲ Мирobод туман Кенгаши, тумандаги олтита олий ўқув юртининг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти аъзолари фаол иштирок этиб, бўлғуси исломшуносларга ўзларини қизиқтирган саволларни беришди ва унга етарлича жавоблар олишди.

Мазкур давра суҳбатининг ниҳоятда қизиқарли, мазмунли ва таъсирчан ўтганлигини ҳисобга олган институт раҳбарияти «камолот»чиларнинг ушбу ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, «Тенгдош – суҳбатдошлар» давра суҳбатининг анъанавий тарзда кенг миқёсда ўтказилишини режалаштирдилар. Унга кўра, яқин кунларда бўлғуси ҳуқуқшунос, шифокор, тилшунос-у шарқшунос ҳамда дипломатлар билан ҳам худди шундай давра суҳбатлари ўтказилади.



**Қаҳрамон ОТАЖОНОВ,**
**Тошкент темир йўл муҳандислари институти «Электромеханика» факультети талабаси.**

**СУРАТЛАРДА: давра суҳбатидан лавҳалар.**

**Ўктам Асомиддинов олган суратлар.**

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**5 НОЯБРЬ, ШАНБА**

**Бугунги куннинг астрологик фони олдинги кунларга нисбатан бирмунча зиддиятли бўлади.Бир томондан, куннинг биринчи ярмида Қуёш Чаён буржининг "шоҳлар манзили" деб аталган 19-даражасида қолавериши одамларнинг ижодий имкониятлари анча юқори бўлишини таъминлайди.**

Иккинчи томондан эса, Ой сайёрасининг узоқ вақт ( соат 07.59 дан 20.12 гача) йўналишсиз ҳолатда бўлиши тўсатдан эҳтирослар жунбушга келиши, кутилмаган тажангликларга сабаб бўлади. Бундай вақтларда кўпчиликдан холироқ бўлишга ҳаракат қилиш керак.

**ШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— бирон-бир янги ишни бошлаш;

— турар-жой ва молиявий муаммоларни ҳал этиш;

— уйларни таъмирлаш ишига киришиш;

— мулкингизга алоқадор бўлган маълумотномаларни олиш, турли ҳужжатларни расмийлаштириш;

— коммунал хизмат ходимлари билан мулоқотда бўлиш.

**6 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА**

**Ахура-мазда куни ҳисобланади. Шу куни инсонларда ижодкорлик руҳи кенг намоён бўлиши кутилади. Шунинг учун келгуси режаларни тузиш, янги ишларни бошлаб юбориш фойдали бўлади.**

Бугунги кун якка шахсларнинг омаду муваффақиятлари билан боғлиқлигини, жамоавий ишларга унча мақбул эмаслигини ҳам эслатиб ўтиш керак. Кўпчилик билан фақат ўйин-кулги қилиб, нималарнидир нишонлаш мумкин.

**БУГУН:**

— қалб мувозанатингизни тиклашга ёрдам берадиган ишлар билан машғул бўлиш;

— сабр-қаноат ва вазминликни намоён этиш;

— ўзингиз учун унчалик мураккаб бўлмаган ишлаб чиқариш ва оилавий муаммоларни имкон қадар ҳал этиб бориш;

— бирор қарорга келищдан олдин яхшилаб ўйлаб олиш;

— жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиш, аммо мъеёрдан ўтказиб юбормаслик.

**7 НОЯБРЬ, ДУШАНБА**

**Мунажжимларимизнинг гувоҳлик беришларича, бугун кечаю кундуз давомида Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўлади. Бу эса, одамларнинг ўз куч ва имкониятларига муносиб баҳо бера олмасликларига олиб келади. Кўпчиликнинг кўнгли у ёки бу хилдаги "жасоратлар"ни тусаб қолади, болалар эса пичоқ, гугурт ва шу хилдаги хавфли нарсаларни ўйнашга зўр беришади. Турли кўнгилсизликлар юз бермаслиги учун бугунги кунни ҳушёрликда ўтказиш маъқул.**

Калитнинг синиши ёхуд тасодифан эшикнинг ёпилиб қолиши бугун нохушлик аломатларидан ҳисобланади. Мабодо, бугун харид қилган буюмингиз йиртиладиган, синадиган бўлса, бир ой давомида бошқа ҳеч нарса сотиб олмаганингиз маъқул. Бировлар йўқотган пул ёки буюмларни олиш ҳам яхшиликка бўлмайди.

**ДУШАНБАДА: ;**

— бугунги кунни ўзингиз кўниккан тарзда ўтказинг;

— меҳнат ва дам олишда хотиржам бўлинг;

— бирон-бир ишга қўл урищдан олдин унинг оқибатини яхшилаб ўйлаб олинг;

Фаоллик ва жаҳолатни намоён этиш, жамоат ва сиёсат ишлари билан шуғулланишни маслаҳат бермаймиз.

*Футбол*

# ШАҲРИМИЗ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

**Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 25-тур беллашувлари бўлиб ўтди.**

Шуни таъкидлаш жоизки, турнир якунланишига икки тур қолган бўлса-да, ҳамон "Пахтакор" жамоаси чемпионликни қўлга кирита олгани йўқ. Аммо, Равшан Ҳайдаров шогирдларига турнир жадвалининг энг юқори чўққисини эгаллашларига битта очко ҳам кифоя қилади.

Ушбу турда пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган "Локомотив"–"Трактор" жамоалари беллашуви кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Сабаби Вадим Абрамов бош мураббийлигида сўнгги учрашувларда муваффақият қозонаётган "Трактор" жамоаси ғалаба қозонгудек бўлса, тўртинчи ўринни қўлга киритар эди.

Шу боисми, "Трактор" ҳам, "Локомотив" ҳам ғалаба қозониш иштиёқида ҳужумга зўр беришди. Аммо, биринчи бўлимда майдон эгалари футболчиси Ҳалимтоев томонидан киритилган ягона гол учрашув охиригача ўзгармади ва 1:0 ҳисобида меҳмонларни енга олган "Локомотив" жамоаси саккизинчи ўринга кўтарилиб олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. "Тўпаланг"– "Нефтчи"–1:0, "Металлург"–"Сўғдиёна"–2:1, "Шўртан"–"Самарқанд-Динамо"–0:1

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент оқшоми ва Вечерний Ташкент газеталари таҳририяти РЕКЛАМА АГЕНТЛАРИНИ ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95



## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедралар бўйича бўш ўринларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

*1. Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси.*
- *Кафедра мудири 1 нафар:*
- *Профессор 1 нафар:*
- *Доцент 4 нафар:*
- *Катта ўқитувчи 5 нафар.*

*2. Педагогика, психология ва педагогик менежмент каефдрасига:*
- *Профессор 1 нафар:*
- *Доцент 3 нафар:*
- *Катта ўқитувчи 4 нафар.*

*3. Табиий ва амалий фанлар кафедрасига:*
- *Кафедра мудири 1 нафар:*
- *Профессор 2 нафар:*
- *Доцент 2 нафар:*
- *Катта ўқитувчи 4 нафар.*

*4. Тил ва адабиёт кафедрасига:*
- *Кафедра мудири 1 нафар:*
- *Профессор 1 нафар:*
- *Доцент 3 нафар:*
- *Катта ўқитувчи 3 нафар.*

*5. Математика, информатика ва физика кафедрасига:*
- *Кафедра мудири 1 нафар:*
- *Профессор 1 нафар:*
- *Доцент 1 нафар:*
- *Катта ўқитувчи 5 нафар.*

*6. Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедрасига:*
- *Профессор 2 нафар:*
- *Доцент 2 нафар.*
- *Катта ўқитувчи 6 нафар.*

***Ҳужжатлар Халқлар дўстлиги майдони, Фурқат кўчаси, 1-уйнинг 5-қаватидаги 514-хонада эълон чиққан кундан бошлаб, 20 ноябргача қабул қилинади. Тақдим этиладиган ҳужжатлар: ректор номига ариза, диплом, паспорт ва меҳнат дафтарчасидан нусха, тавсифнома.***

***Мурожаат учун телефонлар: 45-59-96 /қабулхона/, 45-95-32 (кадрлар бўлими).***

## "МУСИҚА" ҚАРОҚЧИЛАРИ

**Биз сўз юритаётган қароқчилар тез юрар кемаларда сузишмайди, ўз қурбонларини "қора кузғунларга" ем қилишмайди. Улар денгиз ва қуруқликда шамол ёки тўлқинлар бўйлаб ҳаракат қилишмайди. Бу қароқчилар "рока", "диско" оҳанги билан иш юритишади.**

Мусиқа қароқчилари энг сара қўшиқ ва мусиқаларни ёзиб олиб, савдоға чиқарилган кассеталарни ўғирлаб қайта кўчириш билан шуғулланади. Шуни айтиш кифояки, бу ишбилармонлар топаётган мўмай даромад Морган каллакесарларининг ҳатто тушларига ҳам кирмаган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозир жаҳонда баҳоси 1,8 миллиард долларни ташкил этадиган 385 миллион яширин мусиқавий овоз ёзувлари мавжуд. Қароқчилар уларни пуллаш учун истиқомат жойларини тез-тез ўзгартириб туришади. Улар томонидан ёзиб олинган овозларни Жануби–Шарқий Осиёдан тортиб Узоқ Шарқда ҳам эшитиш мумкин. Бу жойларда жаҳондаги "ноқонуний" кассеталарнинг тахминан ярми "ҳаётга" қадам қўймоқда. Лекин "мусиқа" қароқчиларининг асосий яширинадиган жойи Сингапурдир. Маълумки, худди шу ер ноқонуний бизнеслар бўйича жаҳонда энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Оммавий ахборот кўрсатмаларига қараганда ноқонуний ишлар билан 30 компания мунтазам шуғулланади. Улар ўз маҳсулотларини фақатгина ҳамюртларига сотиб қолмасдан балки, мамлакат ташқарисига, шунингдек, Европа, АҚШ, Африка, Яқин ва Ўрта Шарққа ҳам чиқаришади. Хўш нима учун Сингапур "мусиқа" қароқчиларининг пойтахти ҳисобланади. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки бу ер яширин савдо-сотиқ қилиш учун географик томондан энг қулай ерга жойлашгандир. Қизиғи шундаки, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун худди шу ерда 1991 йилда қабул қилинган бўлишига қарамай, мўмай даромад топиш учун бу қонун билан мутлақо иши бўлмаётган компанияларнинг сони тобора ортиб боряпти. Ким билсин, бу қонун "мусиқа" қароқчиларининг ҳатто тушларига ҳам кирмагандир. Бу қонунни четлаб ўтганларга солинадиган 500 Америка долларига тенг бўлган жарима тўлаш эса, бойлик орттиришнинг осон усулини топган ишбилармонлар учун денгиздан томчи холос.

Овоз ва видеопрограмма ишлаб чиқариш Халқаро федерацияси хизматчиларидан бирининг ибораси билан айтганда юқоридаги жаримани тўлаш "қароқчиликни янада авж олдиришга ундовчи бир воситадир". Ҳозирча кассета бизнеслари "поёнсиз денгиз" бўйлаб кенг қулоч отиб "сузиб" юришибди. Уларнинг қилмишлари туфайли Малайзия, Индонезия, Таиланднинг мусиқавий кассеталар ишлаб чиқариш ва овоз ёзиш бўйича қонуний ҳуқуққа эга бўлган кўплаб фирмаларнинг маҳсулотлари касодга учраяпти.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Суқротни айблади. Суқрот унга: “Агар мен хоҳласам сен каби яшашим мумкин, аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечиролмайсан!” — деди.

Бойлардан яна бири Суқротга: “Сен жуда камбағал ва қуруқ қўлсан” — деди. Суқрот эса унга: “Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг!” — деб жавоб берди.

● Тўғрилик одамни болодан қутқаради.

Байт:

**Ҳар кишига учта иш**
**одат эрур,**
**Анга ҳамдам хуш**
**саодат эрур.**
**Аввало эл айбини**
**кўрган замон,**
**Очмагай оғзин**
**маломатга шу он.**
**Ким агар кетса**
**нотўғри**
**йўл билан,**
**Тўғри йўлга бошла**
**дарҳол қўл билан.**
**Солма асло ранж**
**элнинг дастига,**
**Ўз юкинг қўйма**
**бировнинг устига.**

● Дўстинг кимлигини айт,
Сенинг кимлигингни айтаман.

● Дўстлик — барча бойликдан афзал.

● Дўстлик ипини узма,
Уласанг тугун қолар.

● Дўстингга дўст бўл,
Душманингга — зийрак.

● Дўстнинг эскиси яхши,
Кийимнинг- янгиси.

● Жон дўстинг
жонидан кечса ҳам,
Мол дўстинг
молидан кечмас.

● Кўр-кўрни етаклайди,
Дўст — дўстни.

● Пиёзнинг пўсти кўп,
Яхшининг — дўсти.

● Чин дўст — туғишганинг билан тенг.

● Тўпдан чиқсанг ҳам, кўпдан чиқма.

● Яхши дўст — жон озиғи,
Ёмон дўст— бош қозиғи.

● Янги либос — оройиш,
Яхши йўлдош — осойиш.

*Дзюдо*

# ШАҲАР КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ

## КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ ЎТДИ

**Шарқ яккакурашининг дзюдо тури шаҳримизда айниқса «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамиятида кенг ривожланаётгани, бу ердан кўплаб чемпионлар етишиб чиқаётганини спорт ишқибозлари яхши билишади.**

Шу жиҳатдан олганда дзюдо бўйича Тошкент шаҳар кубоги очиқ мусобақаларининг айнан «Динамо» жамиятида ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас.

Турнирда Чирчиқдан келган дзюдо усталари, шунингдек, шаҳримизнинг МҲСК ҳамда «Динамо» жамиятлари шарафини ҳимоя қилаётган 120 га яқин шарқ яккакурашининг ушбу тури вакиллари — асосан ёшлар ғалаба учун кураш олиб боришди. Беллашувлар 9 та вазн тоифаси бўйича ўтказилди. Қизиқарли, кескин ва муросасиз финал баҳсларидан сўнг Кубок мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари ҳурмат шоҳсупасидан жой олишди.

Шундай қилиб энг енгил — 60 килограммгача вазнда Чирчиқдаги Республика олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиси Владимир Ким биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 66 килограммгача вазнда МҲСК вакили Қобил Ибрагимов барча рақибларидан устун келди. Кейинги иккита вазнда ҳам чирчиқлик спортчилар — Ботир Эргашев ҳамда Дилшод Чориевларнинг қўллари баланд келди. 90 килограммгача вазнда ниҳоят майдон «эгаси» «динамо»чи Тимур Шокиржонов ғалаба наъшидасини суришга муваффақ бўлди.

100 килограммгача ва ундан ортиқ вазнларда ҳам «Динамо» клуби вакиллари Абдумалик Раҳмонов ҳамда Артём Тухватуллинлар мусобақа ғолиблигини қўлга киритишди,

Ғолиб ва совриндорлар дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур очиқ турнир шу йилнинг 23-26 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган дзюдо бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида пойтахт терма жамоаси сафларидан ўрин олишга интилаётган кўплаб ёшлар учун жиддий имтиҳон вазифасини ўтади.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТДА: турнирдан лавҳа.**
**Алексей Попов олган сурат.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## БУ ҲАМ БИР НЕЪМАТ

Яқин танишимизникида ифторликда ўтирган эдик. Бирдан чироқ ўчиб қолди. Ҳаммаёқ зимистон. Нима қилишни билмаймиз. Олдимиздаги нозу неъмат тўла дастурхонга ҳам қўл уриш имкони йўқ. Шу топда чироқ ўчганидан ҳамма норози. Биров ўзича электр таъминотчиларини, биров эса қайсидир нурсозни, яна бошқалар кимларнидир ёмонлайди.

Ўртага шағам келтириб қўйилди. Унинг хира нурида кўрар-кўрмас яна дастурхонга қўл урдик. Қоронғуда туртиниб-суртиниб биринчи, иккинчи таом тортилди ҳамки, чироқ ёнмади. Шунда давра тўрида ўтирган нуроний киши деди:

— Азизлар, электр чироғи ҳам бир неъмат. Унинг қадрига етишимиз керак. Бисёр экан деб ундан пала-партиш фойдаланиш ярамайди. Бу неъматни қанчалик ортиқча исроф қилсак, шунчалик унинг уволига қоламиз.

Шу гап сабаб бўлиб мавзу айланиб электр тўловларини ким қачон тўлаганлигига келиб тақалди. Гап-сўзлардан маълум бўлишича, даврадаги 30 чоғлик кишидан тенг ярмиси электр ҳақини ўз вақтида тўламас экан. Ҳатто орамизда уни қачон тўлаганини билмайдиганлар ҳам топилди.

— Ана кўрдиларингизми, — суҳбатга якун ясади бояги нуроний киши.

—Ҳамма айб ўзимизда. Вақтида ҳақини тўламаймизда мана шунақа ўчиб қолса кимлардандир гинахонлик қилиб юрамиз.

Дастурхонга фотиҳа ўқилиб ўрнимиздан қўзғалганимизда лов этиб чироқ ёниб қолди. Нурсиз хонадонга бирдан файз киргандек бўлди.

## РАШК ЭВИ БИЛАН-ДА

Автобусга бир йигит билан ҳомиладор аёл чиқди. Олдинги ўриндиқда мен билан ёнма-ён ўтирган йигит аёлга бир зум тикилиб турди-да ҳомиладор эканлигини билиб, дарҳол унга жой бўшатди.

— Ўтиринг, опа.

— Опанг уйида, нега сенга опа бўларкан бу, — деди жаҳл билан ўшқириб аёл билан автобусга чиққан йигит. — Мен сенга хушомад қилишни кўрсатиб қўяман.

Йўқ жойдан жанжал бошланди. Аёлнинг жиззаки эрини тинчлантиришга уриндик.

— Ўғлим, — дедим мен ҳам ўртага аралашиб, — бу йигит аёлингизнинг оғир оёқли эканлигини билиб ҳурмат юзасидан унга жой беряпти. Сиз эса буни бошқача тушуняпсиз.

— Сиз аралашманг ота. Кўзим кўр эмас кўриб турибман, унинг қанақа ҳурматини. Бу номард хотинимга хушомад юзасидан жой беряпти. Бўлмаса унга нега тикилиб қарайди.

— Ҳа, инсон бўлгандан кейин кўз-кўзга тушади-да.

— Йўқ қарамасин.

— Бир-бирига қарамаса унда кўр бўлиш керак киши.

— Кўр бўлса бўлсин, лекин қарамасин.

Кажбаҳс йигитни кўплашиб аранг тинчитдик. Айбсиз айбдор йигит эса автобусдан тушиб кетиб қутулди.

Бу воқеа менга бир ҳикоятни эслатди. Ҳамиша бировларнинг ожизлиги, камчилигидан кулиб, масхаралаб юрадиган такобир кишининг вақти келиб иккала кўзи ожиз бўлиб қолибди. У қўлига ҳасса тутиб кетаётганида рўпарасидан бир донишманд табиб чиқиб қолибди. Табибнинг кўзи бу ожиз кишига тушиб раҳми келганидан унга яқинлашибди.

— Биродар, бу касалга чалинганингизга анча бўлдими? — сўрабди табиб кўзи ожиз кишидан.

— Нима ишинг бор, мен-ку бировларнинг устидан кула-кула шу ҳолга тушдим. Энди сен менинг устимдан кулмоқчимисан? — деб жеркибди табибни такобир киши.

—Зинҳор-базинҳор сизнинг устингиздан кулаётганим йўқ. Балки сизга раҳм-шафқат қилиш ниятида сўраяпман. Мен инсонлар истагини қўлимдан келгунча рўёбга чиқарувчи донишманд табибман. Балки кўнглингиздаги ниятингизни айтсангиз, сизга ёрдамим тегиб қолар.

—Шунақами, унда сендан бир илтимосим бор, — дебди сўқир киши ҳовуридан тушиб.

— Тиланг, тилагингизни бажо келтирай.

— Тилагим шуки, дунёдаги барча одамларнинг кўзи менга ўхшаб ожиз бўлсин.

Кажбаҳс кишининг кўзини очиш ниятида бўлган донишманд сўқирнинг бу сўзидан лол қолибди. Ўзгаларга фақат ёмонлик ниятида бўлган бу кишига нисбатан кўнглида пайдо бўлган раҳм-шафқат бир зумда сўниб, уни танҳо қолдириб жўнаб кетибди.

Рашкчи йигитга шу ҳикоятни жуда-жуда айтиб бергим келди. Лекин у жаҳл устида бу ҳикоятнинг мағзини чақолмаслигига ақлим етиб индамай қўя қолдим.

## ҚАДР-ҚИММАТ СОВҒАДАН АЗИЗМИ?

Мактабдош дўстим Салимжон билан фавқулодда автобусда учрашиб қолдик.

— Топишган жойимизни қара-я,— деди у мен билан сўрашиб. — Бормисан? Қаерларда юрибсан?

Қизғин суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Чунки унинг тушадиган бекати яқинлашиб қолганди.

— Энди бундай, — деди Салимжон гапга нуқта қўйиб.— Шанба куни келинни олиб бизникига келасан. «Маликаи дилором»нинг туғилган кунлари. Шунга 3-4 та яқинларни таклиф этганмиз. Мириқиб суҳбатлашамиз.

Учрашишга шартлашиб хайрлашдик. Белгиланган куни хотиним билан «Чилонзор қайдасан» деб шифокор дўстимникига йўл олдик.

Эшикни ясан-тусан қилиб олган Лобархон очди.

— Вой келинглар, — деди у бизни истамайгина қаршиларкан. — Салим ака, қаранг, ким келди.

Остонада Салимжон кўринди. Салом-аликдан сўнг Лобархон хотиним тутган бир кийимлик атлас совғани қабул қила туриб бидирлай кетди:

— Вой, Раънохон, овора бўлиб нима қилардиз. Атлас кўйлакларим шундоғам кўп-ку.

Бу гапдан кўнглимиз зил кетди. Лобархон эрига маъноли тикилди. Рафиқасининг шартакилигидан Салимжон ноқулай ҳолатга тушди.

Ниҳоят катта зални тўлдириб ўтирган меҳмонлар қаторидан жой олдик. Танишувдан сўнг зўр-базўр бўлсада, унча-мунча ҳазил-мутойиба қилиб ўтирдик. Лекин негадир кечанинг «тантанаяи қисми»ни бошлаш ҳақида ҳеч ким чурқ этмасди. Назаримда кечага энг улуғ меҳмон ташриф буюрмаган эди. Давра тўридаги бўш турган икки ўриндиқ шундан далолат берарди. Бунинг устига эшик «тиқ« этса Лобархон ҳамманинг ғашига тегиб «ана келдилар» дея ташқарига югурарди.

Даврадан файз кўтарила бошлади. Ҳар ким ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирганда эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Баъзилар чўчиб тушди.

— Каримжон акам, — деб юборди қувончдан ял-ял ёнган Лобархон эшик томон ошиқаркан.

Остонада кўринган ҳурматли меҳмон: «Узр, узр, кўрганимиз кўришганимиз энди», дея ортиқча такаллуф кутмай юқоридаги жойга пилдираб бориб ўтирди.

— Ҳа, айтмоқчи Салимжон, — деди у жойлашиб олгач, — энди иш бўлмаса манави калитни ол, машинамнинг юкхонасида иккита гилам бор эди. Шуни олиб чиққин. Ёнидаги биллур идишлар ҳам сизларга аталган.

Оқ сариқдан келган беўхшов семиз бу одамни уй эгалари нима учун шунчалар зор-интизор кутганликлари сабабини кейин тушундим. Инсон қадр-қимматини у келтирган совғаси билан ўлчайдиган бу оиладан дилим ранжиди.



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2495 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-108.

1 2 3 4 5 6